

ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ВА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИНИ БАҲОЛАШГА БЎЛГАН УСЛИБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Мамасоатов Дилшод Равшанович,
ТДИУ катта илмий ходим-изланавучиси
E-mail: dilshodbek11@mail.ru

Аннотация: Мақолада иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот–коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш масалалари ва таълимни ахборотлаштириш муаммосини тадқиқ этиш, умуман, кўникмага айланган аниқ тушунчалардан фойдаланиш ёритилган.

Аннотация: В статье освещаются вопросы использования информационно-коммуникационных и интернет технологий в преподавании экономических предметов и процессов исследования проблем в информатизации образования.

Annotation: This article highlights the issues with the processes of using the information-communication and internet technologies in teaching the economic subjects and the processes of researching the problems in informatization of education.

Калим сўзлар: Ахборот–коммуникация, масофавий таълим, ахборот–коммуникация, аудио ва видео дарсликлар, он-лайн дарслар (Интернет саҳифа), электрон кутубхоналар, мультимедиа электрон дарсликлар.

Кириш

Ҳозирги кунда мавжуд ахборот–коммуникация технологияларидан таълимда, илмий текшириш ва муҳандислик ҳисоб-китобларида самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда таълимга жиддий тарзда эътибор бериб келинмоқда, жумладан “Таълим тўғрисида”ги қонунда ҳам Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади, деб белгилаб берилган.[1] Бундан келиб чиқадики, таълим жараёнига жиддий эътибор бериш ва ўз навбатида, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш юқори натижаларга олиб келади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот–коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш жараёнини ҳам такомиллаштириш лозим. Бу, ўз навбатида дарсларнинг сифат даражаси ошишига ёрдам беради ва натижада талабаларнинг дарсга қизиқиши анча яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек, «Ахборот–коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни

стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришни унутмаслигимиз зарур».[2]

Умуман, ахборот технологиялари фойдаланувчилар учун, унинг индивидуал ҳолда шаклланиши ва ижодий қобилиятини ошириш учун керакдир. Ўқувчи талабаларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан самара фойдаланиши нафақат дарс жараёни, балки мустақил ишларини амалга оширишда, ўз ғояларини амалда қўллай билишида ҳам юқори натижа беради. Демак, юқоридагиларни амалга ошириш, яъни иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларини самарали қўллашни педагогика фанининг бўлими ҳисобланган таълимни ахборотлаштириш фани зиммасига олиши керак.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Республикамиз олимлари С.С.Ғуломов ва Б.А.Бегаловлар томонидан яратилган дарсликда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг қўламда жорий қилиш қуйидагиларни беради деб таъкидланган [3].

- Ўқув ва илмий ахборотларни талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан қидириб топишга кетадиган вақтнинг қисқариши;

- Электрон ўқув адабётларлар мазмунини давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришнинг тезлаштирилиши;

- Талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун қўшимча вақтнинг ажратилиши.

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллашнинг истикболли кўриниши мультимедия-технологиялар асосида интерактив маърузаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Анъанавий маърузалар ўқишга нисбатан интерактив маърузаларда талабалар ўқиш жараёнига фаол аралашилари мумкин бўлиб, унда ўқув материалнинг турли жойидан саволлар бериб, аниқ жавоблар олиш имконига эга бўладилар.

Р.Х. Алимов, Ў.Т. Хайитматов, А.Ф. Хакимовлар томонидан қуйидагича таъкидланган: Ахборот технологиялари тўғрисида гап кетганда, қайта ишлашнинг материали сифатида ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ахборот иштирок этади. Бироқ бу объект, жараён ёки ҳодиса тўғрисидаги сифат жиҳатидан янги маълумот бўлади. Технология ходимнинг ахборот билан ишлаш усули ва услуги ҳамда техник воситалар орқали намоён бўлади [4].

А.Т. Кенжабаев ва Н.Рахимов томонидан эътироф этилишича, таълимни ахборотлаштириш деганда таълим доирасини услубий, технологик ва амалий ишланмалар таъминоти ўқитишнинг психологик-педагогик мақсадларини ҳал этиш ва тарбиялаш комфорт ҳолда соғлиқни асраш шароитида фойдаланишга мўлжалланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида оптимал амалга ошириш тушунилади[5].

Тадқиқот методологияси

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тадрижий ривожланиши ва иқтисодиётида кечаётган интеграциялашув жараёнлари мутахассислардан иқтисодий билимларга эга бўлиш билан бир

қаторда ахборот-коммуникация соҳасида, унинг объекти ва субъектлари, жорий қилиш тамойиллари, бу борада жаҳон такомиллаштирилган воситалари, уларни бевосита молиявий жараёнларга қўллаш ҳақидаги кенг кўламли билимлар ва бевосита турли русумдаги компьютерларда ишлаш малакаларига эга бўлишга тақозо этади.

Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқувчиларнинг кизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади.

Ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълимда ахборот технологиясини қўллада шахс бўлажак касбининг асосий инструменти бўладиган вазият вужудга келади.

Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланишнинг мақсади бир томондан талабаларга ахборот технологиялари орқали таълим бериш имкониятларини ўргатиш, иккинчи томондан таълимда ахборот технологиясининг аппарат инструментал ва дастурий воситалари билан танишишдан иборат.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жараёни амалга ошириш қуйидаги муаммо ва масалаларни ҳал этишга олиб келади:

- кенг кўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги илмий педагогик, услубий, норматив-технологик ва техник хулосаларга кўра таълимни ривожлантиришни аниқлаштириш;

- кенг кўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги таълим моҳиятини танлаб олиш базаси, мос масалаларга кўра ўрганувчининг шахсини ривожлантириш учун тарбиялаш, ўқитиш усуллари ва ташкилий шакллари яратишни мукамаллаштириш;

- ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги таълимнинг барча бўғинлари, жумладан ўқитишнинг усул ва воситалари, инновацион моделлари ва мавжуд педагогик технологияларни асослаш ва яратиш;

- ўрганувчи (талаба)нинг интеллектуал потенциалини ўстиришга йўналтирилган ўқитишнинг услубий тизимини ишлаб чиқиш керакки, булар талабага мустақил равишда билимларини жамлаш, маълумотлар ресурсини териш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш фаолиятини амалга оширишга имкон яратиш;

- таълимга тегишли тадқиқотлар, электрон воситаларни кўرғазма прототипларини ишлаб чиқиш, жумладан дастурий инструментал восита ва тизимларни яратиш ҳам бунга киради;

Таълимнинг мақсади жаҳон Интернет тармоқларидан тарқалган ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва глобал телекоммуникация базасида ахборотлаштирилган ўзаро алоқадор технологияларни яратишдан иборат бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- телекоммуникацион очик таълим тизимларининг тақсимланган ахборот ресурслари потенциали базасида тармоқдаги янги педагогик иловаларни яратиш;


- реал ёхуд виртуал кўринишда ўқув кўргазма, лаборатория тажриба жараёнларини қайта ишлаш ва автоматлаштириш тизимларини яратиш;

- психологик ва педагогик тестлаш ва ташхисловчи услубий назоратни яратиш ва талабаларнинг билим даражасини баҳолаш, уларни ўқишда қўллаш, талаба интеллектуал салоҳиятини аниқлаш учун автоматлаштириш тизимларини яратиш ва қўллаш;

- таълим тизимиини бошқариш механизмини такомиллаштириш, жумладан маълумотларни автоматлаштирилган базаси ва банки асосида олий таълим муассасаларини бошқариш, коммуникация тармоқларидан фойдаланиш.

Ҳозирги кунда жаҳон Интернет тармоқларига уланиш тезлиги ҳам аввалги йилларга нисбатан анча ошиб кетди (1-расм). Бу эса фойдаланувчилар учун интернетдан фойдаланиш жараёнини анча енгиллаштиради. Натижада таълим жараёнида янги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини анча оширади. Таълимни ахборотлаштириш муаммосини тадқиқ этиш, умуман, кўникмага айланган аниқ тушунчалардан фойдаланишни назарда тутади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.[5]



1-расм. Халқаро интернет тармоғига уланиш тезлиги (интернет) (гбит/с) [7]

Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланишда, ахборот-коммуникация технологияларининг барча имкониятлари аниқ бир педагогик аҳамиятли мақсадларга эришишни талаб этади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Кенг кўламли коммуникация ва глобаллаштирилган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитида ўрганувчи (талаба) шахсини шакллантириш ва уни қулай ҳаётга тайёрлаш:

- ўз ақлий фаолияти тузилишини ташкил этувчи фикрлашни ривожлантириш, билимлар тизимини шакллантириш мақсадида психологик ва педагогик таъсирини кучайтириш;

- ҳар хил турдаги маълумотларни бир вақтда ҳазм қилиш шароитида ва турли ахборот манбаларида оптимал ечим қабул қилиш ёки ечим вариантларини таклиф этиш маъносини тушуниш ва мушоҳада қилиш қобилиятини ривожлантириш;

- имитация, ташкилий асосда тажриба-тадқиқий фаолият ахборот-қидирувини амалга ошира билишни ривожлантириш.

2. Ахборотлаштириш, глобаллаштириш ва кенг кўламли замонавий коммуникацияли жамият шароитида ижтимоий буюртмани бажариш:

- ахборотлаштирилган жамият аъзоларининг мос ҳаётий фаолияти доирасида информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентли профессионал, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;

- турли даражада ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш учун фойдаланувчиларни тайёрлаш (маиший фойдаланишдан то профессионалгача);

- узлуксиз таълим тизимининг барча ўқув жараёни даражаларини кучайтириш;

- узлуксиз таълим тизимларининг барча таълим бериш жараёни даражаларини кучайтириш.

3. Ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари ва педагог қўллашлар нуктаи назаридан беқиёс қўллаш ҳисобидан таълим бериш жараёни сифатини ва натижавийлигини ошириш:

- Ахборот-коммуникация технологиялари муҳитидан фойдаланган ҳолда идрок этиш фаолиятини кучайтирувчи билим олишнинг ундовчи мотивлари билан таъминлаш ҳар хил фан соҳасидаги масалаларни ҳал этиш маълумотларни қайта ишлаш замонавий муҳитларидан фойдаланиб, фанлараро алоқаларни чуқурлаштириш;

- тақсимланган маълумотлар ресурсидан фойдаланиш асосида очиқ таълим ғоясини амалга ошириш.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг учинчи босқичида (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

XX асрнинг охириги 20 йиллигидан бошлаб, жаҳон миқёсида таълимни ахборотлаштириш бошланади. Бу даврда педагогика, психология, социология,

тиббиёт, техник фанлар ва ҳақозо фанлардаги таълимни ахборотлаштириш бўйича илмий текшириш ва амалий йўналишли ишлар олиб борилди. Бу ишлар борасида таълимни ахборотлаштиришга тегишли фундаментал, тажриба-экспериментал, дастурий-аппарат ишланмалари ва қатор шунга ўхшаган ишлар олиб борилди. Улар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтамиз:

1. Таълим моҳиятини танлаб олиш стратегияси ва усулубини ўқитиш ва тарбия шаклини ташкил этиш усуллари мукамаллаштириш. Бу тадбир мультимедиа, телекоммуникация, ахборот технологияси, виртуал объектлар каби замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида ўрганувчилар (талабалар)нинг мустақил равишда билимларни топиб олишлари асосида уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш билан боғланган. Шу сабабли талабалар билимларни шакллантиришни билишлари, ўқув предметини тузилмалаштира олмашларига имкон яратиш ва уни ўргатиш.

2. Ахборот-коммуникация технологиялари базасида амал қилувчи таълимнинг услубий тизимини мукамаллаштириш. Бунинг учун талаба: керакли маълумотни Интернет орқали қидириш йўлини билиши, тақсимланган маълумотлар базасидан фойдалана билиши керак; мустақил равишда ахборот ўзаро алоқадорлик технологиялари имкониятини ҳал қилиш асосида компьютерли презентация (тақдимот) қила билишлари; ҳар хил объектларни ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш асосида реал жараёни кўрсата билишлари ва улар виртуал электрон воситалар ёрдамида тасвирлай олишлари керак. Уларни комплекс педагогик масалаларга алоқадорлик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу ерда педагогик мақсадлар таълимнинг интенсифик шакл ва усуллари ҳал қилиш асосида ташкил этишдан иборат. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш илмий-услубий ва ташкилий йўллари ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил қилиш ҳамда уларнинг самарали ва хавфсиз қўллашга имкон берадиган психологик, педагогик ва эргономик аҳамиятга эга эксперт баҳолаш апаратини яратишга олиб келади.

3. Информатика, ахборот-коммуникация технологиялари таълимда услуб ва моҳиятни ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари объектини тадқиқ қилишда, моделлаштиришда информатика фанининг амалий усул ва воситаларига бўйсунди. Демак, иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан мукамал фойдаланиш ва педагогик амалиётни яратиш ўртасида услубий йўлланмаларни ишлаб чиқиш истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Тошкент,1997 йил 29 август.

2. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2016 йил 15 январ.

3. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. Дарслик. – Тошкент, Фан нашриёти, 2010 йил.

4. Алимов Р.Х., Хайитматов Ў.Т., Хақимов А.Ф., Юлчиева Г.Т., Азаматов О.Х., Отажанов У.А. Ахборот тизимлари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ. 2013.

5. Кенжабаев А.Т, Раҳимов Н. Таълимда ахборот технологияси. Ўқув-услугубий қўлланма. -Тошкент, 2013.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Тошкент., 1997 йил 29 август.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.